XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 1 344,9 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 19,9 минг кишига ёки 101,5 фоизга кўпайди. Шундан, 630,7 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,9 фоизи) ва 714,2 минг киши – қишлоқ жойларида (53,1 фоизи) истиқомат қилади.

Жиззах вилоятининг ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*		
	жами	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Жиззах вилояти	**1 344,9**	**630,7**	**714,2**	**101,9**	**101,8**	**102,1**
шаҳар:						
Жиззах	173,7	173,7	0,0	101,5	101,5	0,0
туманлар:						
Арнасой	45,1	15,5	29,6	101,6	102,0	101,4
Бахмал	151,6	41,0	110,6	102,0	102,2	101,8
Ғаллаорол	166,9	59,0	107,9	102,0	101,5	102,2
Ш.Рашидов	212,3	84,9	127,4	102,7	102,4	102,9
Дўстлик	64,0	27,1	36,9	101,7	101,5	101,9
Зомин	158,9	75,3	83,6	93,1	98,0	89,1
Зарбдор	83,1	46,2	36,9	125,0	109,0	153,1
Зафаробод	48,6	22,2	26,4	101,7	101,4	101,9
Мирзачўл	50,1	27,8	22,3	102,2	102,6	101,8
Пахтакор	72,5	35,5	37,0	101,4	101,1	101,6
Фориш	90,6	16,7	73,9	101,6	101,8	101,5
Янгиобод	27,5	5,8	21,7	101,5	103,6	100,9

Январь-сентябрда вилоят бўйича аҳолининг
табиий ҳаракати коэффициентлари

Кўрсаткичлар	*Минг киши*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2017 йил	*2018 йил*	*2017 йил*	*2018 йил*
Туғилганлар	23 333	24 768	23,8	24,8
Ўлганлар	4 221	4 044	4,3	4,1
шу жумладан: бир ёшгача болалар	336	215	14,3	9,1
Никоҳлар, мингта	8 073	8 838	8,2	8,9
Ажралишлар, мингта	802	814	0,8	0,8

Туғилиш. 2018 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 24 768 минг кишини ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига (23 333 минг киши) нисбатан 1 435 минг кишига купайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 24,8 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли купаиши Жиззах шаҳри (19,0 промилледан 22,3 промиллегача), Бахмал (27,0 промилледан 28,9 промиллегача), Дўстлик (21,9 промилледан 22,7 промиллегача) Зафаробод (19,7 промилледан 21,5 промиллегача), Пахтакор (23,3 промилледан 23,7 промиллегача) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим. 2018 йилнинг январь-сентябрида ўлганлар сони 4 044 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (4 221 киши) нисбатан -177 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрида 4,3 промилле бўлган).

Ўлим коэффициентининг сезиларли ўсиши Арнасой (2,8 дан 3,4 промиллегача), Мирзачул (3,2 дан 3,6 промиллегача), Янгиобод (4,2 дан 5,5 промиллегача), ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Бахмал (4,1 промилле), Ш.Рашидов (4,0 промилле), Зафаробод (3,5 промилле) ва Дўстлик (3,7 промилле) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонидан 53,3 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,9 фоизи – ўсма касалликларидан, 9,7 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 6,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,4 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 14,6 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши

(2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига 6 та оналар ўлими рўйхатга олинган ва оналар ўлими коэффициенти 24,2 промиллени (100 минг тирик туғилганга нисбатан) ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрида бир ёшгача 215 та болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти 9,1 промиллени (2017 йил январь-сентябрида 14,3 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдаклар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Арнасой 12,3 (1 000 тирик туғилганга нисбатан), Зафаробод 11,0, Мирзачул 10,1 Дўстлик 14,3, Пахтакор 13,9 туманлари ва Жиззах шаҳри 15,0 ҳиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,7 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,0 фоизи – туғма аномалиялардан, 1,4 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 3,3 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 3,3 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,6 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-сентябрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 8 838 та никоҳлар ва 814 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 8,9 (2017 йилнинг январь-сентябрида 8,2 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,8 ни (2017 йилнинг январь-сентябрида 0,8 бўлган) ташкил этган.

Январь-сентябрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони.

(минг бирликда)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2017 й.	*2018 й.*	*2017 й.*	*2018 й.*
Жиззах вилояти	**8 073**	**8 838**	**802**	**814**
шаҳар:				
Жиззах	982	1 100	149	159
туманлар:				
Арнасой	264	252	33	20
Бахмал	1 001	1 041	58	96
Ғаллаорол	1 130	1 254	110	103
Ш.Рашидов	1 319	1 481	109	97
Дўстлик	362	378	60	49
Зомин	1 012	1 059	100	112
Зарбдор	451	468	30	38
Зафаробод	241	276	28	24
Мирзачўл	249	248	25	27
Пахтакор	392	520	43	35
Фориш	518	582	43	33
Янгиобод	152	179	14	21

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 8 209 киши, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 9 031 киши ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 822 киши ташкил этган, 2017 йилнинг мос даврида минус 809 киши бўлган.

Январь-сентябрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(минг киши)

	Келганлар		*Кетганлар*		*Миграция сальдоси*	
	2017й.	*2018й.*	*2017й.*	*2018й.*	*2017й.*	*2018й.*
Жиззах вилояти	**6 988**	**8 209**	**7 797**	**9 031**	**-809**	**-822**
шаҳар:						
Жиззах	1 163	1 409	1 420	1 747	-257	-338
туманлар:						
Арнасой	337	398	467	507	-130	-109
Бахмал	710	501	797	958	-87	-457
Ғаллаорол	347	593	721	779	-374	-186
Ш.Рашидов	1297	2024	788	1081	509	943
Дўстлик	486	544	572	599	-86	-55
Зомин	307	419	657	685	-350	-266
Зарбдор	507	503	435	466	72	37
Зафаробод	391	391	394	463	-3	-72
Мирзачўл	621	592	345	377	276	215
Пахтакор	397	402	514	617	-117	-215
Фориш	352	353	524	582	-172	-229
Янгиобод	73	80	163	170	-90	-90

Миграция сальдосининг юқори даражаси Зомин (минус 226 киши), Арнасой (минус 109), Бахмал (минус 457), туманларида ва Жиззах шаҳрида (минус 338) қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Ш.Рашидов (плюс 943 минг киши) ва Мирзачўл (плюс 215 минг киши) туманларида кузатилди.

XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Жиззах вилояти бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2018 йил январ-сентябрь
(дастлабки маълумот)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2018 йил январ-сентябрь ойларида Жиззах вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **1 436,2 минг сўм**ни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.

Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи
(2018 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, *минг сўм*
Жиззах вилояти бўйича – жами	**1 438,0**
шу жумладан:	
Саноат	1 683,5
Қурилиш	1 712,4
Савдо	1 986,2
Ташиш ва сақлаш	1 372,3
Ахборот ва алоқа	1 808,0
Молиявий ва суғурта фаолияти	2 711,6
Таълим	1 374,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 158,3
Бошқа фаолият турлари	2 759,2

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят туманлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жиззах шаҳрида 1 778,2 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 123,7 %), Мирзачўл тумани 1509,1 минг сўмни (104,9 %) ва Зарбдор туманида 1 404,9 минг сўмни (98,0 %) ташкил этган бўлса, Пахтакор туманида 1 400,2 минг сўмни (97,4 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январ-сентябрь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январ-сентябрь, минг сўмда)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январ-сентябрь ойларида 456,3 минг сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.